УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ 2-бет

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЭНГ КАТТА БОЙЛИК 4-5-бетлар

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ 6-бет

ШИДДАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАРГА БОЙ САРАЛАШ ТУРНИРИ 8-бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 49 (10.102) / 2004 ЙИЛ 15 МАРТ

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

***Ўзбекистонни улкан қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Бугун барча вилоят, шаҳар ва туманларда катта ўзгаришлар бўляпти, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу янгиланишлар нафақат кетма-кет қад ростлаётган биноларда, барпо этилаётган кўча ва хиёбонларда, балки инсонлар онгу шуурида ҳам акс этмоқда.***

12 март куни яна бир улкан иншоот - Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё узра бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.

Ушбу йирик иншоотнинг очилишига бағишланган маросимни Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов очди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз, жумладан, воҳа тараққиётида ушбу кўприкнинг аҳамияти беқиёс эканини қайд этди.

Хоразм вилояти кейинги йилларда улкан марраларни қўлга киритмоқда. Вилоятда ички ва ташқи бозорни харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. 27 қўшма корхона мавжуд.

Воҳада коммуникация тармоғини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун ишга тушаётган янги кўприк бутун юртимиз каби Хоразм ва Қорақалпоғистонни ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, одамлар узоғини яқин қилишда катта имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўприк мамлакатимиз автомобиль ва темир йўл тизимларини замон талаблари даражасида ривожлантиришда, чет элга маҳсулот экспорт қилишда катта аҳамият касб этажагини алоҳида таъкидлади.

Республика «Боштранслойиҳа» институти лойиҳаси асосида бунёд этилган 681 метрлик ушбу замонавий кўприк мамлакатимиз коммуникация тизимини тубдан ўзгартиради. У бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 поезд, соатига мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имконига эга.

Юртбошимиз ушбу улкан иншоотни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандисларга, барча-барчага миннатдорлик билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан «Туямўйинсувқурилиш» тресси 1-кўчма механизациялашган колонна участка бошлиғи К.Турдиев, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қўнғирот регионал темир йўл узели бошлиғи К.Нуруллаев, «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприк қурилиш отряди муҳандиси Г.Гарепова, меҳнат фахрийси С.Шарипов ва бошқалар Амударё узра барпо этилган ушбу кўприкнинг қурилишига, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига раҳнамолик қилаётган Президентимизга ташаккур изҳор этдилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,**
**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***Бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, юртдошларимиз қалбида она Ўзбекистон билан фахрланиш ва фидойилик туйғуларини уйғотиш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш борасидаги катта хизматларини, адабиётимиз ва санъатимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссасини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва кенг жамоатчилик вакилларининг таклифи маъқуллансин.

2. Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмитага бир ой муддатда мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин. Тадбирлар режасида қуйидагилар кўзда тутилсин:

шу йил май ойида Тошкент шаҳрида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш;

шоирнинг бир жилдлик асарлари сайланмасини нашр этиш;

ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ёзувчилар, санъаткорлар ва олимлар иштирокида Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган учрашув ва адабий кечалар ташкил этиш;

шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли видеофильм яратиш.

4. Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиянинг шоир хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

5. Андижон вилояти ҳокимлигига шоир қабрини ободонлаштириш ва ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсининг энг истеъдодли тингловчилари учун Муҳаммад Юсуф номидаги стипендияни таъсис этсин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шоир ижодий меросининг аҳамиятини тарғиб этиш, шунингдек, таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 март

Тошкентим — боғу бўстоним

## Ҳашар — элга ярашар

*Шанба ва якшанба кунлари бутун республикамиздаги каби шаҳримизнинг барча туманларида умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтди.*



**Баҳорни бежизга уйғониш, яратиш ва яшнатиш фасли дея атамаймиз. Мана, ўзимиз гувоҳи бўлган юртимиздаги барча оловқалб кишиларни яратиш ва яшнатишга ундаган умумхалқ ҳашари ҳам ана шундан, баҳор эзгуликларидан, Наврўз тараддудидан нишона.**

**Икки кун давом этган умумхалқ ҳашари кунларида пойтахтимизнинг қайси гўшасига борманг, ким билан суҳбатлашманг кўтаринки кайфиятнинг, Наврўзи олам иштиёқининг, азалий қадриятларимиз эъзозининг гувоҳи бўлдик. Ҳамшаҳарларимиз ҳам барча қатори шаҳримизни янада обод этиш, гулу-чечакларга буркаш ниятида қалб даъвати билан ҳашар уюштиришди.**

Давоми 2-бетда.



XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Меҳр-мурувват — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**• Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Наманган шаҳридаги туғруқхонани республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг филиалига айлантиришга киришилди.**

**• Тошкент вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Наврўз байрамини нишонлашга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.**

**• Самарқанд вилоятининг Нарпай, Пахтачи ва Пастдарғом туманларида чигит экиш бошланди. Деҳқонлар ушбу юмушни бир ҳафта давомида туғаллашни режаламоқдалар.**

**• Ангрен шаҳри марказида янги турғун савдо шохобчаси фойдаланишга топширилди. Унинг бошқа савдо муассасаларидан фарқи шундаки, терминал хизмати йўлга қўйилиши натижасида бу ерда нақд пулсиз савдо-сотиқ ишлари амалга оширилади.**

**• Оҳангарон шаҳрида ҳар йили Наврўз байрами кунлари маданий-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Бу йил ҳам шаҳар маҳаллаларида 4 та хусусий савдо дўкони ва битта чойхона, дорихона фаолият бошлаш учун тахт қилиб қўйилди.**

### Жаҳонда

**• Россия Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра Президент Владимир Путин сайловларда энг кўп овоз олди.**

**• Грузия Президенти Михаил Саакашвили мамлакат ташқи ишлар вазири этиб Франция фуқароси Саломи Зурабешвили тайинланишини маълум қилди. Грузия муҳожирларининг 52 ёшли қизи С.Зурабешвили сўнгги пайтгача Франциянинг Грузиядаги элчиси лавозимини эгаллаб турган.**

**• Европа парламенти Румыния ҳукуматининг ҳозирги сиёсатидан норози бўлиб, резолюция қабул қилди ва Европа Иттифоқини мазкур давлатга нисбатан муносабатини қайтадан кўриб чиқишга чақирди.**

**• Россия Ташқи ишлар вазирлиги Грузия ва Аджарияни ўртада юзага келган муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақирди.**

**• Кеча Ирландияда Патрик куни миллий байрами бошланди. У чоршанбага қадар давом этади.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий хўжалик судининг навбатдан ташқари пленумида қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашда хўжалик судининг роли муҳокама қилинди.

• **СЕРГЕЛИ** туманида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамкорлигида «Маҳалламиз болалари» мавзуида кўрик-танлов уюштирилди. Ғолиблар кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

• **МИЛЛИЙ** матбуот марказида уюштирилган тадбир Интернет тармоғини сифатли ахборот билан таъминлаш масаласига бағишланди.

• **РЕСПУБЛИКА** кўз касалликлари шифохонасида офтальмологлар иштирокида кўз касалликларини даволашдаги янгича услубларни амалиётда қўллаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида диннинг асл моҳиятини, тарихини ёшларга пухта ўргатиш масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда диншунос, элшунос ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББда жиноятчиликнинг олдини олишда жонкуярлик қилган фахрий посбонлар билан Ҳамза туманидаги маҳаллалар фаолларининг учрашуви уюштирилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат педагогика университетида ташкил этилган илмий-амалий анжуман «Узлуксиз таълим изоҳли луғатини ишлаб чиқиш ва ислоҳ қилиш муаммолари» деб номланди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида япон қўғирчоқлари кўргазмаси фаолият бошлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# Тошкентим — боғу бўстоним







Давоми. Боши 1-бетда.

Меҳр ва мурувват йилида, умрбоқий Наврўз кириб келаётган шодиёна кунларда элимизга ярашиб турган ҳашар ҳар кимнинг она-ерига, яшаётган масканига, азиз юртига муҳаббат ва садоқатидан, уни янада обод кўриш ва яшнатиш эзгу ниятидан нишона. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, ободлик кўнгилдан бошланади.

• **МИРОБОД**: Баҳорнинг бир куни йилга татишини дилдан ҳис этган мирободликлар Умумхалқ ҳашарида режаланган юмушларнинг барчасини сидқидилдан уддалашди. Икки кун давомида 80 минг нафардан зиёд кексаю ёш 8 та ҳудудга бўлинган туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларини олиб боришди.

Тумандаги барча маҳаллалар аҳли нафақат ўз ҳовлилари, балки кўчаларни, ариқларни тозалаш, кўп қаватли уйлар ён-атрофини орасталашди, гул ва дарахт кўчатлари экишди. Ҳашар куни 25 минг туп гул ва 40 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, ўтган йилларда экилган ниҳоллар парваришига алоҳида эътибор қаратишди. Тўпланган чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда 65 дан зиёд юк машиналари ёрдамга келди.

Туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар, 5 та олий ўқув юрти, 11 та касб-ҳунар коллеж ва лицейлари, мактаб ва боғчаларнинг жамоалари ҳам ҳашарда уюшқоқлик кўрсатишди. Олий ўқув юрти талабаларидан иборат 5 та бригада аъзолари маҳаллаларга бириктирилиб ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳовли ва кўчаларини тозалашда ёрдам берди. Энг асосийси эса ҳашар сўнгида туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар-ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорликда Мусо Тошмуҳаммад маҳалласида кўрик-танлов ташкил этиб, энг кўп дарахт кўчатлари оқлаган йигит-қизлар аниқланди. Бир сўз билан айтганда, Миробод Наврўзни кутишга шай.

• **ЯККАСАРОЙ:** «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар» дейишади. Яккасаройликлар Умумхалқ ҳашарида ана шунга амал қилишди. Чунончи, ҳашарга ҳозирлик жараёнида тумандаги 18 та маҳаллалар керакли иш қуроллари билан тўла таъминланди. Натижада ҳашар кунларида ишлайман, ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшаман деб чиққан 40 мингдан зиёд ҳашарчининг ҳаммасига иш топилди. Айниқса, қайта таъмирлаш ишлари олиб борилган «Мовий гумбаз» хиёбони, Ш.Рашидов ва Афросиёб кўчалари чорраҳасидаги «Эртакча» болалар хиёбони, Бобур ва Усмон Носир кўчалари чорраҳасидаги театр хиёбонларида меҳнат қилган ҳашарчилар ғайрат кўрсатишди. Янгидан чирой очаётган Низомий Ганжавий хиёбонига гул ва дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллар ўз ҳудудларидаги ҳашарларда бош-қош бўлишди. Айниқса, кўп қаватли уй-жойлар ён-атрофи озодалигига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд дарахтларга шакл бериш билан бирга, уларнинг таглари юмшатилди, оқланди. Мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, ранго-ранг гуллар ўтқазилди. Бобур, Фарҳод, Саломатин, Нукус, Юсуф хос Ҳожиб, Усмон Носир ва бошқа кўплаб кўчалар ўзгача қиёфа ва чирой касб этганлиги ҳашарчиларнинг куч-ғайратларидан далолатдир.

• **ҲАМЗА:** Азалий удумимиз ҳашарни ҳамзаликлар байрамона руҳда бошлаб, икки кун мобайнида яхши кайфият, шоду хуррамлик билан ўтказишди. Нафақат кўчаю хиёбонлар, ариқ-зовурлар тозаланди, қабристонлар ҳам ораста ҳолга келтирилди. Ҳашарда кексаларнинг ёшларга ибрат бўлганлиги йигит-қизларга ҳам ғайрат-шижоат бахш этди.

Тумандаги 30 кўчага бириктирилган корхона ва ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари жамоалари фаоллик кўрсатишган бўлса, 50 та маҳаллалар аҳли ўз ҳудудларида уюшқоқликни қўлдан беришмади. Айниқса, Фарғона йўли, Оҳангарон шоҳ кўчаси, Лисунов, Кадишев, Иззат, Алиев кўчалари, Тошкент Халқа йўлида олиб борилган ишлар кўлами кўзга ташланди. Тўпланган чиқиндиларни эса жалб этилган 50 та юк машиналари пешма-пеш олиб кетди.

Туман кўчалари ва маҳаллаларига ҳашар куни 20 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, минглаб туп гул ниҳоллари экилди, улар парваришига эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, «Кўклам— меҳнат билан кўркам» нақлига ҳар бир ҳашарчи амин бўлди.

• **СОБИР РАҲИМОВ** туманида кўклам юмушлари қишнинг илиқ кунларида бошлаб юборилганди. Халқимизнинг ардоқли байрами— Наврўзи олам олдидан эса азалий қадриятларимиздан ҳисобланган Умумхалқ ҳашарида ҳимматли халқимизнинг 7 дан 70 ёшгача бўлган фуқаролари ғайрат билан бу хайрли ташаббусга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Тумандаги 1000 дан ортиқ катта, кичик корхоналар, кўплаб ўқув юртлари ва 58 та маҳаллалардан 60 мингта яқин фуқаролар ғайрат билан бел боғлаб, дилда эзгу ниятлар билан бир қатор хайрли юмушларни уддаладилар. Режаланган 6 мингта яқин манзарали ва мевали дарахтлар, 4 мингта гул кўчатлари экилди. 60 мингта дарахтлар эса оқланди. Туман ҳудуди ободонлаштирилиб, орасталанди, ахлатларнинг ўша кунлариёқ олиб чиқиб кетилиши ташкиллаштирилди. Шунингдек, ариқ, зовур, ирригация шохобчалари ҳам кўпчилик кучи билан тозаланди. Муҳтож оилалар ҳовли-кўчалари мурувватли инсонларнинг беминнат ҳимматлари туфайли таъмирланиб, кўплаб кўнгиллар шод қилинди.

• Умумхалқ ҳашари пойтахтимизнинг энг ёш — **БЕКТЕМИР** туманида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, бу ғалги ҳашарнинг Меҳр ва мурувват йилида ўтказилаётганлиги ўзига хос маънолар касб этди, албатта.

## Ҳашар — элга ярашар

Мазкур тумандаги мавжуд 12 та маҳалладаги 24 та ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларда ҳашар йўли билан таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 1000 туп манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари ўтқазилди. 20 мингта гул буталари ҳам экилди. Ўтган йилларда экилган 2500 туп дарахтлар оқланди. 250 минг квадрат метр майдонлар ободонлаштирилиб, орасталанди. 5 минг погон метр ирригация шохобчалари ҳамда ариқлар тозаланди ва ҳашар кунларида 100 тонна ахлат олиб чиқиб кетилди.

Туманни боғу бўстонга айлантириш, ободонлаштириш учун уюшқоқлик билан ўтказилган ҳашарда 300 дан ортиқ корхона, ташкилот, ўқув муассасаларидан, маҳаллалардан 10700 нафар бектемирликлар фаол қатнашдилар, «Маҳалла» жамғармасининг Бектемир туман бўлимига 12,6 миллион сўм пул маблағи ўтказилди.

• Баҳор фаслининг ўзига хос инжиқликларига қарамай, **ЧИЛОНЗОР** туманида Умумхалқ ҳашарида туманни нафақат шодиёнага тайёрлаш, балки уни гулу гулзорга, обод ва саранжом-саришта масканга айлантириш мақсадида хайрли юмушлар амалга оширилди.

Мазкур туманда бугунги кунгача режадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборилганди. Ҳашар кунлари эса туманда 59 минг аҳоли бир ёқадан бош чиқариб 40 миллион сўмлик иш бажаришди. 50.000 квадрат метр жой орасталанди, 25 минг погон метр ариқ, ирригация шохобчалари тозаланиб, 180 тонна чиқинди, ахлат олиб чиқиб кетилди. 10 минг тупдан ортиқроқ дарахтлар оқланди. Маҳаллаларда кўплаб мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Эътиборли томони, саховатпеша маҳалладошлар кўмаги билан кўплаб ҳовли-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди.

• **ЮНУСОБОД:** Ўлкамизга хуш насимлари билан кириб келган баҳор наинки табиатни, балки одамларни ҳам уйғотди. Кўнгилга яшариш, яшнатиш ишқини солди. Барча-барчани ободонлаштириш, бутун борлиқни покизалаш юмушларига чорлади. Хусусан, 13-14 март кунлари бўлиб ўтган Умумхалқ хайрия ҳашарида юнусободликлар ҳам жонбозлик кўрсатишди.

Туманда жойлашган 1300 та йирик корхона ва ташкилотлар, 48 та уй-жой ширкатлари, 50 та маҳалла, 19 та олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари жамоалари бир жону бир тан бўлиб туманларининг энг ораста, саранжом-саришта масканга айланишига ҳисса қўшдилар. 20000 дан ортиқ киши иштирок этган Умумхалқ ҳашарида кўча ва хиёбонлар, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди, тўпланган чиқиндилар эса 40 та ДЭУ, Хондай русумдаги автотранспорт воситаларида шаҳар ташқарисига олиб чиқиб ташланди. А.Қодирий кўчасида жойлашган майдонга 500 та терак кўчати, Шароф Рашидов кўчасига эса 20 та, Олой бозори атрофларига 50 та арча ҳамда 20 туп мажнунтол кўчатлари экилди. Манзарали ва мевали дарахтлар, гулу чечаклар ҳам шу куни экилиб, атроф-теваракнинг янада гўзал ва дилтортар масканга айланишига эришилди.

• Уйғониш, тозалик ва покланиш айёмида ўтказиладиган Умумхалқ хайрия ҳашарида **ШАЙХОНТОҲУР** тумани аҳолиси ҳам алоҳида ҳиммат кўрсатди.

Жами 850 та корхона ва ташкилот, 48 та маҳалла, олий ўқув юртлари талаба, ўқитувчи ва ўқувчиларидан иборат 108 минг аҳоли иштирок этган Умумхалқ ҳашарида туманнинг 280 000 квадрат метр майдони ободонлаштирилди, 8 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тозаланиб, ўтганлар руҳи шод этилди. 325 минг погон метр ҳажмдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, тўпланган 108000 тонна чиқинди 78 та техника воситалари ёрдамида олиб кетилди. Булардан ташқари 5000 дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 10.500 туп турли хил гул кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, Ўзбекистон, Абай, Навоий, Беруний, А.Қодирий кўчаларидаги дарахтлар оқланиб, шакл берилди, қуриганлари олиб ташланди, йўл четларига эса ранго ранг очилиб, кўнгилга илиқлик бағишловчи турфа хил гуллар экилди.

Энг муҳими, Меҳр ва мурувват йилида кўнгиллар кўтарилди, муҳтожлар йўқланди, ҳамжиҳатлик билан қилинган ишлар унумли бўлди. 98 нафар ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларнинг уйлари тартибга келтирилди, деворлари оқланди, таъмирга муҳтожлари эса таъмирланиб, беминнат ёрдам кўрсатилди. Ҳиммат камарини боғлаган шайхонтоҳурликлар 11 000 000 сўмдан ортиқ маблағни «Маҳалла» жамғармасига бажонидил ўтказдилар.

• Юртимизни янада обод ва озода масканга айланиши йўлида ўтказилган Умумхалқ ҳашарида **СЕРГЕЛИЛИКЛАР** ҳам ўзларининг фаол эканликларини кўрсатдилар.

Ўтган икки кун давомида тумандаги 474 та корхона ва ташкилот, 33 та маҳалла, олий ўқув юртлари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари жамоаларидан ташкил топган 62273 нафар аҳоли юқори кўтаринкилик билан Умумхалқ ҳашарида иштирок этди. Шу кунлари туман ҳудудининг 931636 квадрат метр майдони ободонлаштирилди, 99.665 минг погон метр жойдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Тўпланган 452.4 тонна чиқиндилар 47 та транспорт воситасида шаҳар ташқарисига чиқарилди. 28306 та дарахтларга шакл берилиб, оқланди. 4.389 та мевали ва манзарали дарахт, 38.406 та гул ва буталар экилди. Кўчаю хиёбонлар, бутун атроф-теварак, майдонлар тартибга келтирилиб, ерлар юмшатилди.

Энг эътиборлиси «Меҳр ва мурувват йили» дастурига мувофиқ тумандаги энг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож 28 нафар оиланинг уй-жойлари таъмирланиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Буюк қадриятларимиз тимсоли бўлмиш хайрия ҳашаридан тушган 30000000 сўм маблағ эса «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

• **МИРЗО УЛУҒБЕК** туманида Умумхалқ ҳашарида жами 89603 киши иштирок этиб, 48696 погон метр ариқ ва ирригация шохобчалари чиқиндилардан тозаланди, 86320 та дарахт оқланиб, туман ҳудудидаги 372052 квадрат метр майдон ободонлаштирилди. Шаҳримизни янада гулу чаманзорга айлантириш мақсадида ҳашарчилар 26 743 дона анвойи гул ва яшил буталар, 142 74 туп дарахт кўчатлари ўтқазишди. Шунингдек, ёрдамга муҳтож хонадонлар атрофлари орасталанди. Ҳашар куни туман ҳудудидан 285 тонна чиқинди ва шох-шаббалар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди.

• **АКМАЛ ИКРОМОВ** туманида уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўтган ҳашарда ҳам 105 минг киши фаол қатнашиб, баҳорги ободонлаштириш ва экин экиш ишларида муносиб ҳиссаларини қўшдилар. 250 минг погон метр ариқ ва каналлар чиқиндилардан тозаланиб, 100 минг квадрат метр майдон ободонлаштирилиб тартибга келтирилди. 105 мингта дарахтлар оқланиб, 12 минг дона гул ва манзарали буталар, 7000 туп дарахт кўчатлари ўтқазилди. Байрамолди тайёргарлиги, баҳорги юмушларни ғайрат билан, чин кўнгилдан амалга оширишда ҳашарчилар фаол иштирок этдилар. Шу куни туман ҳудудидан йиғилган 100 тонна чиқинди шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди. Умумхалқ ҳашарида ишлаб топилган маблағ туман «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

**СУРАТЛАРДА: Умумхалқ ҳашари шаҳримиз туманларида мана шундай уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликда бўлиб ўтди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## МЕҲР-МУРУВВАТ МАСКАНИГА АЙЛАНАДИ

***Кейинги йилларда маҳаллалар ободончилигига жиддий эътибор берилмоқда. Улар тобора файз очиб, кўркамлашиб бормоқда. Маҳалла гузарлари эндиликда маҳалла аҳлининг гавжум гўшаси, тўй-маросимдан тортиб барча тадбирларни баҳамжиҳат кўплашиб маслаҳат қиладиган масканга айланмоқда.***

Обод маҳалла йилининг рамзий давоми ҳисобланмиш Меҳр ва мурувват йилида маҳаллаларда юмушлар кўпайганлиги рост. Эҳтиёжмандларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг корига яраш, кўнглини кўтариш, касалмандларга ёрдам қўлини чўзиш кундалик ишга айланётганлиги қувонарлидир.

Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида ҳам ҳар куни кўнгилга қувонч бахш этувчи савобли ишлар уддаланмоқда. Маҳалла идораси янгидан, замонавий тарзда таъмирланмоқда, ён атрофлари ободонлаштирилаяпти. Яқинда оқсоқол бошчилигида маҳалла фаоллари ва ҳомийлар саъй-ҳаракати билан «Минор» қабристонининг ташқи ва ички томони қайтадан таъмирланди, йўлаклар асфальтланди, бетон ариқчалар ётқизилди. Бу ишдан ҳамманинг кўнгли шод бўлди.

Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ деганларидек фаоллар ҳозир яна бир хайрли ишга қўл уришди. Маҳалла идораси ёнида чоғроққина тўйхона қурилиш жазм қилинди. Тўйхона ёпиқ бинода жойлашади, чиройли, бугунги ёшлар дидига мослаб, бунёд этилиб, жиҳозланади. Ҳатто ён-атрофдаги аҳолининг тинчини бузмаслик учун ичкаридаги овозни ташқарига чиқармайдиган замонавий мосламалар билан таъминланади.

Мирзо Улуғбек маҳалласида Меҳр ва мурувват йилида қад ростлаётган ушбу тўйхона меҳр-мурувват маскани сифатида маҳалладошларнинг энг севимли гўшасига айланишига шубҳа йўқ.

**Мирзокир КАРИМОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фаоли.**

*Муносабат*

## ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Маълумки, 2004 йил 19 февралдаги мамлакатимиз раҳбарининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишларида халқ таълими тизимини ривожлантириш, эришилган марраларимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш барчамизнинг асосий вазифамиз, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш — тараққиёт омили эканлиги ўз аксини топган. Ушбу Фармойиш билан барча халқ таълими ходимлари қатори мен ҳам мамнуният билан танишиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришга жазм этдим.***

Дарҳақиқат, Президентимиз айтганларидек, таълим тизимини яхшилаш орқали жамият ривожига улкан ҳисса қўшган бўламиз. Айниқса, эришилган муваффақиятларга танқидий ёндошиш орқали йўл қўйиган хато-камчиликларни бартараф этишга муваффақ бўламиз ва бу борада керакли механизмни ишлаб чиқиб, қайси соҳа бўлмасин барчасида уни қўллаш имконига эга бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим тармоқларидан бири таълим тизимидир. Бу тизимнинг тўғри, оқилона лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Эски маъмурий-буйруқбозликдан амалий ишга ўтиш, мактаблар ҳаётини тубдан яхшилаш, ўқитувчи кадрларни саралаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш ҳақидаги фикрлар айни пайтда барча ўқитувчиларни беҳад хурсанд қилди. Фидойи, ўз касбини ҳурмат қиладиган, болаларни севган ўқитувчилар озми-кўпми ҳамон сафда, фарзандларга зиё тарқатишдек хайрли ишда камарбасталар.

Минг шукрки, ўқитувчи меҳнатини осонлаштирувчи воситалар ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда. Техника, автоматика, бозор иқтисодиёти ва ахборот асрига юз тутганимиз, робот, манипулятор ва турли хил ЭҲМларнинг пайдо бўлиши, ўқув-таълим ишларининг замон талаби, шунингдек, жаҳон андозаларига мос ва хос бўлган билим ва малакалар билан ўқувчиларни қуроллантиришга қаратилгани қувонарлидир. Лекин булар ҳали етарли эмас. Бу муаммоларнинг ечимини топиш оқилона равишда махсус дастурлаштириш ва шу асосда ишлаш учун уларнинг мурватларини топиш зарур. Шундай қилингандагина замон талаби асосида ишлаш жараёни юзага келади.

Тарихга назар ташлайлик. Буюк алломаларимиз ўзларининг даҳо истеъдодларини намоён этганлар. Бундай ноёб истеъдодларни, жаҳон тан олган кашфиётларни мамнуният ва чексиз ғурур ва ифтихор билан тилга олишга ҳақлимиз. Бизга туганмас, бой хазина қолдирган Ибн Сино — табобат, Абу Райҳон Беруний — ер шари, ал-Хоразмий — алгебра, Аҳмад Фарғоний — глобус, Мирзо Улуғбек — фалакиёт сирлари хусусидаги асарлари билан машҳур бўлганлар. Улар ўз асарлари билан биринчи илмий ижодкор эдилар. Хўш, биз XXI асрда ана шу буюк зотлар ишининг давомчилари сифатида ёшлар онги, шуурига нималарни сингдиришга муваффақ бўляпмиз? — деган саволга ҳар биримиз давлат, халқ олдида ҳисоб беришимиз лозим. Ижодий фаолият кўрсатиш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд.

Меҳнат қилган кишилар иззат-икромда бўлган бугунги кунда истиқболли келажакни ўйлаб ишлаётган, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар иззат-ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Бу жараёнларни биз устоз-мураббийлар ёшлар қалбига сингдиришимиз керак.

Асосий Қонунимизда:

«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган.

Давлат — жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бунинг ёрқин далили Президентимизнинг 2004 йил 20 февралда эълон қилинган Фармойишларида яққол ўз ифодасини топган.

Мактаб, таълим ишларининг тамойилларида:

— миллий онг,
— миллий ғурур,
— ҳуқуқий маданият,
— ватанга садоқат,
— миллатпарварлик,
— ўзлигини англаш,
— жаҳон халқларига ҳурмат, маънавият, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш каби эзгуликларни ёшлар тарбиясига сингдириш орқали жамият ривожига ҳисса қўшган бўламиз. Булар Фармойиш мазмунида ўз ифодасини топган.

Фармойишда ўқитувчи меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш ҳақида илиқ гаплар борки, буларни ўқитувчиларга бўлган ғамхўрлик деб биламиз.

Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш эса бундан кейин барча соҳаларнинг равнақ топишига замин ҳозирлаши аниқ.

Таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартларини ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарсликлар ва қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш, уларга баҳо бериш, янгиларини яратиш ҳақидаги фикрлар шунчалик зарурки, ҳозирги кунда айрим дарслик ва ўқув қўлланмалари талаб даражасида эмаслиги, ўқувчи ва ўқитувчилар томонидан яхши қабул қилинмаганлиги, улар ҳақида танқидий мақолалар эълон қилиниши ачинарлидир. Айрим нашриётларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этишга мослашмагани ҳам бундай ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Дарсликларнинг янги авлодини яратиш бўйича комиссия ҳайъати томонидан йўл қўйилган хато, камчиликлар туфайли, савияси саёз дарсликлар чоп этилди, натижада ўқувчилар, ўқитувчилар азият чекдилар.

Президентимиз ана шундай нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан Фармойиш эълон қилдиларки, шояд халқимизнинг азиз ва мукаррам фарзандлари келажакда бенуқсон дарсликлардан баҳраманд бўлсалар...

Фармойишда белгиланганидек, таълим давлат стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштиришда амалиётчиларга таяниш ва илмий салоҳиятга эга бўлган назария билан шуғулланувчиларнинг ҳамкорлигини амалга ошириш учун «Илмий марказ» ташкил этилишини таклиф қилардик. Ушбу илмий марказ жамоатчилик асосида бўлиши мумкин. Марказга республикамиздаги кўзга кўринган олимлар, услубиётчилар, мутасаддилар таклиф этилиб, таълим тизимидаги глобал масалаларни ижобий ҳал этишда, янги тизимли дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмун ва мундарижаси борасида узвийликка қатъий риоя қилишлари, ўқувчи вақтини бекорга сарфламаслиги чораларини белгилашлари, дарсликларда такрорий мавзуларнинг бўлмаслиги, тузилажак дарсликлар жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлашга яқиндан кўмаклашишлари зарур.

Шунингдек, Фармойишда спорт масаласига ҳам эътибор кучайтирилиши таъкидланган.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Дарҳақиқат, спорт орқали ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашга эриша оламиз.

Мен хизмат юзасидан кўпгина ривожланган мамлакатларда бўлдим. Таълим тизими билан яқиндан танишдим. Улардан ўрганишимиз лозим бўлган тажрибаларни ўзим бошчилик қилиб тузган «Бошланғич таълим Конституцияси»да, «Давлат таълим стандарти»да ифода этишга ҳаракат қилганман. Япония, АҚШ, Франция, Германия ва Югославияда кўрганларимни республикамиздаги мактаблар ҳаётига жорий этилишини таклиф қилганман. Шулардан бири спорт, сузиш, сайр-саёҳат қилишдир.

Иқлимимиз иссиқ, бизнинг мактабларда очиқ, ёпиқ сув ҳавзалари бўлиши мақсадга мувофиқ. Болалар руҳиятида сувга мойиллик бор. Уларнинг талабини қондириш эса бизга боғлиқ. Ҳозирги кунда турли ташкилотлар, фирма ва биржалар катта даромадга эгалар. Истардикки, ҳар бири битта мактабни оталиққа олиб, фарзандлари учун зарур бўлган спорт тури — сузиш учун сув ҳавзалари қуриб берсалар, айни муддао бўлур эди.

Ривожланган давлатларда бўлганимда 1-синфга келадиган болаларга мамлакат раҳбарияти томонидан ўқув йили олдидан совға берилиши ҳақида сўрадим. Лекин ҳали ҳеч қайси давлатда бу урф бўлмаган экан. Ягона бизнинг давлатимизда болапарвар Президентимиз дарслик, қўлланма ва ўқув қуролларини совға қилиб, ёш авлоднинг билим олиши учун меҳр-мурувватларини кўрсатиб келмоқдалар. Шундай иззат-икромга яраша бошланғич синф ўқитувчилари астойдил меҳнат қилиб, ёш авлодни зиёли этишга бел боғлаганлар. Ярим асрлик педагогик фаолиятим бошланғич синфлар билан боғлиқ бўлди. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз доимо бошланғич синф ўқитувчиларига алоҳида эътибор бериб, ғамхўрлик қилиб келаётганларининг гувоҳиман. Бунинг исботи — Фармойишда ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия ривожига катта ҳисса қўшган ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг самарали механизмини вужудга келтиришнинг назарда тутилганидир. Ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ва тариф ставкаларини тубдан қайта кўриб чиқиш чораларини кўриш белгиланган. Бу Фармойиш айниқса менинг ҳамкасбларим: бошланғич синф ўқитувчилари томонидан қувонч ва мамнуният билан кутиб олинди.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

***Ҳозирги байрам шукуҳи кезаётган шаҳримизда кўплаб йўловчиларнинг истакларини инобатга олиб, куни кеча «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси тасарруфидаги «3-автобус саройи» очиқ акционерлик жамияти янги — 78-автобус йўналиши қатновини йўлга қўйди.***

*Хабарингиз борми?*

## ИСТАКЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Мазкур янги йўналишда автобус саройининг 6 та «ЛАЗ-695» русумли автобусларини тажрибали ҳайдовчилар бошқармоқдалар. «Янгиариқ» маҳалласининг кўп миллатли аҳолиси ҳамда Тошкент экскаваторларни таъмирлаш заводи ишчи-хизматчиларининг мурожаатларига кўра ушбу йўналиш очилди. У Қорақамиш 1/2 даҳасини «Мустақиллик майдони» метро бекати билан боғлайди.

Ушбу автобус саройи бугунги кунда 203 та «Мерседес-Бенц», «ЛАЗ» автобуслари, «Otoyol» мини автобусларини тонг саҳардан ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш учун белгиланган йўналишларга чиқармоқда.

Айниқса, акционерлик жамиятининг 85, 43, 82, 42, 116, 111-йўналишларда қатновчи автобусларнинг малакали ҳайдовчилари йўловчиларни кўзлаган манзилларига ўз вақтида бехатар етказиш борасида ғайрат билан меҳнат қилиб аҳоли олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Акционерлик жамиятида автобуслардан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан уларга кўрсатилаётган сифатли техник хизмат ҳамда профилактика ишларига бевосита боғлиқлигини яхши билишади. Шу боисдан ҳам автосаройда ҳаракат таркибининг 100 фоиз яроқлилигини таъминлашга ҳаракат қилинади.

Хуллас, автобус саройи ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қаратилган. 78-автобус ҳам шаҳримиздаги энг яхши йўналишлардан бирига айланишига умид билдирамиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Санъат*

## НАВРЎЗ ТАРОНАЛАРИ

***Бу йилги баҳор ва гўзаллик байрами Наврўз шодиёнасига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Орзиқиб кутилган бу кунни шоир ва бастакорлар ҳам янги қўшиқлари билан қарши олишмоқда.***

Ҳозирда «Наврўз тароналари» концерт дастури устида қизғин ижодий иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси байрамга бағишлаб ёзилган талайгина шеърларни кўриб чиқди. Шулардан энг яхшилари деб топилган 50 та қўшиқ куйга солинди.

Бастакорлардан Рустам Абдуллаев, Алишер Икромов, Баҳриддин Лутфуллаевлар яратган янги тароналар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари болаларга бағишланган янги қўшиқлар ҳам юзага келди. Бастакор Шермат Ёрматовнинг болаларнинг Наврўз шодиёнасини мадҳ этувчи қўшиқлари ҳам ижро этилади. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ана шу жозибали янги тароналарни хушовоз санъаткорлар ижроси учун тақдим этди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу ғаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча эътибор тамғасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб қорин тўйдириш пайида бўлса яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъқул.

● Йигитни балоғат ёшига етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

● ҲИКМАТ. Энг яхши хотин шундай хотинки, у хаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

● Бир киши олдингга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтяпти деб ўйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва феълдан хазар қил!

● ҲИКМАТ. Суқрот ҳаким айтади:

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор! Байт:

**Зулм асосига қурилган бино**
**Ғазаб оташидан вайрон бўлажак!**

● Ошкор айтилган таъна кўнгилда яширилган гинадан яхши.

● Гулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан кўра даҳшатлироқ.

● Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди.

● Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.

● ҲИКМАТ. Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

**Чиройли хулқ билан инсон инсондир.**
**Четдан боқсанг шакли ҳаммаси бир хил.**
**Рангу ҳиди билан фарқи билинар.**
**Ёшликда бир хил бўлган «гулу гил»!**

● Бир ҳакимдан: «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўрадилар. Ҳаким: «Ҳеч нарсадан ранжимайдиган киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларида эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

● Меҳмонга борганингда уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

● Бир меҳмон: «Меҳмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», деб ҳазилллашган эди.

Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон бемалол еяолмаслиги мумкин.

● Меҳмонда улуғ одамлар ўтирган бўлса овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарайверма.

*Тонг отди. Одатдаги тонг эмас, Наврўз тонги. Деҳқон бобо барвақт уйғонган. Бугун у далага чиқади. Ризқ-рўзимиз бўлмиш ғаллани ерга қадайди. Кетмонини елкасига қўйиб далага отланган деҳқон бобо қизига:*

*Юртимизда Наврўз нафаси*

# КЎКЛАМОЙИМ, КЎКИНГДАН БЕР БИР ЧИМДИМ!...

— Мен кечроқ келаман, сумалакка уннайверинглар, ўчоқ-ўтинларни тайёрлаб қўйдим,—дейди.

Бугун юқорида деҳқон бобо деб атаганимиз Тўйчи отанинг уйида Наврўзнинг рамзий таоми сумалак тайёрланади. Қўни-қўшни, ёшу қари барча жамул-жам бўлди. Фақат эркаклар деҳқончилик учун далага чиқиб кетишди. Сумалак тайёрлашга киришилар экан, кимдир баҳор нафаси уфуриб турган ундирилган буғдойни янчаяпти, бошқа биров янчилган буғдой сувини олиб келиб каттакон дошқозонга соляпти. Яна кимдир қозон тагига ўт қалаяпти. Хуллас ҳамманинг қўли банд.

Ҳар бир маросим қарияларсиз, айниқса момоларсиз ўтмайди. Тўйчи отаникига тўрт-беш чоғли қўшни момолар ҳам келишган. Улар сумалак атрофига ўрнашиб олишган.

— Малика момо мана шу кунларга ҳам етдик. Янги йилни қарши олаяпмиз. Орамизда энг кексаси сизсиз, сумалакни бошлашдан олдин ушбу кунга шукрона айтиб дуо қилинг, деди ўчоқ бошидаги момолардан бири.

Малика момо, бир оз тин олиб, ўйланиб турдида:

— Илоҳо юртимиз тинч бўлсин. Янги бошланаётган йил баракали, ризқли-насибали ўтсин. Деҳқонларнинг ҳосили мўл бўлсин. Ёшларнинг бахтини бериб, умрини узоқ қилсин илоҳим. Ер юзида биронта ҳам ёвуз ниятли киши қолмасин, дея узоқ дуо қилди.

Сумалак атрофидагилар юзларига фотиҳа тортишди. Яхши ният билан 12 баҳорни кўрган мучал ёшдаги Сардорга сумалакка тош ташлатдилар.

Сумалак секин аста пуфакчалар ҳосил қилиб қайнай бошлади. Ўйин-кулгу, айтишувлар бошланди. Гулсум опа доира чалди. Ёш қиз-жувонлар рақсга тушди. Шеър айтишувда Гулсанамнинг ёд олгани Муҳаммад Юсуфнинг шеъри энг чиройлиси бўлди.

**Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,**
**Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.**
**Қор кўйнида сени кўмсаб ўкиндим,**
**Кўкламойим кўкингдан бер бир чимдим.**

Момолар ўз ўтмишлари ҳақида гаплашишарди. Бу борада Зулфунор момонинг дегани:

— Ҳа! Бизнинг ёшлигимизда анча оғир эди. Бунақанги сумалакни ҳамма ҳам пишира олмасди. Чунки қаҳатчилик, бир кило буғдой топиш амри маҳол эди. Одамлар ҳатто қорнига нон топа олмас эди. Агар кимда-ким сумалак қилганини эшитиб қолишса, қаттиқ жазога тортиларди. Эсингиздами, Миновар момо, иккаламиз зўрға, амаллаб буғдой топиб сумалак қилганимизни раис билиб қолиб, жамоа хўжалиги идорасига бир ой қамаб қўювди.

— Нимасини айтасиз, Зулфунор момо. У пайтлар ўтмишга айланди. Энди бу ёғи ёшларнинг замони келди. Шукрона қилишимиз керак. Мана шу ёшгина набираларимизнинг ризқи бутун бўлсин.

Гурунг қуюқлашди. Ёшроқ хотин-халажлар галма-галдан сумалак кавлашаяпти. Ана елкасида кетмони билан эркаклар ҳам келиб қолишди. Улар анча ҳориган. Лекин сумалак базми уларнинг чарчоғини бир зумда тарқатиб юборди. Улар ҳам сумалак кавлашга киришиб кетишди. Давра яна қизиганддан-қизиди. Деҳқонлар ўз экини ҳақида, хотин-халаж сумалак ҳақида гаплашишар, ёш болакайлар ўз ўйинлари билан овора. Ниҳоят сумалак ҳам тайёр бўлди. Барчага Наврўз таоми улашилди. Ҳамма яхши ният қилиб сумалакдан татиб кўрди. Ҳар ким сумалакни оғзига солишдан олдин «Янги чиққан янгилик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик»,—дея пичирларди.

Ушбу кичкинагина сумалак базми, юртимиз бўйлаб давом этади. Наврўз айёми катта-катта халқ сайлларига уланиб байрам руҳи диёримиз узра кезиб юрибди. Бу кунларнинг қадрига етиш керак. Шу ўринда Абдулла Ориповнинг мана бу тўртлиги ёдимизга келди:

**Сен бизни кечиргин, эй Наврўзимиз,**
**Ғафлатда чалғиди ул кун кўзимиз.**
**Юзингга шапалоқ тортиб юбордик,**
**Шўрпахта босамиз энди ўзимиз.**

Ҳаммангизга янги кун, янги йил Наврўзи олам қутлуғ келган бўлсин, азиз юртдошлар!

**Сарвар СОБИРОВ**



# ЯПОНИЯДА НАВРЎЗ ТАОМЛАРИ

***Токио шаҳрида бу йил 12-маротаба ўтказилган Сетагая халқаро маданият фестивалида Ўзбекистон кўргазмаси ҳам муносиб намойиш этилди.***

Сетагая халқаро таълим маркази ва Япония пойтахтида фаолият юритаётган дипломатик ваколатхоналар ҳамкорлигида уюштириладиган мазкур анъанавий фестивалда ҳар бир давлат ўзининг алоҳида кўргазмасини намойиш этади. Токионинг осмонўпар биноларидан бири – "Керрот Тоуэр"да ўтган тадбирда бу сафар жаҳон халқларининг миллий таомларига ҳам кенг эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ва ушбу мамлакатнинг етакчи олий билим даргоҳларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар томонидан тайёрланган Ўзбекистон кўргазмаси фестиваль иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Унда ўзбек халқ ҳунармандчилиги намуналари, хусусан каштачи, кулол ва ўймакор усталаримизнинг бетакрор ишлари намойиш этилди. Айни эрта баҳор чоғида тайёрланадиган турли пишириқлар – Наврўз таомлари эса фестиваль дастурхонининг кўрки бўлди.

— Ўзбекистонда бўлган кезларимни ёрқин хотиралар билан эслайман, — дейди Сетагая халқаро таълим маркази директори Ёши Оно хоним "Жаҳон" АА мухбирига берган интервьюда. –Айниқса, ўзбек ёшларининг катталарга бўлган ҳурмати менда катта таассурот қолдирган. Ўзбек маҳаллаларидаги яхши қўшничилик муносабатлари, ўзаро ёрдам ва муомала маданияти, адашмасам, дунёнинг бошқа давлатларида кам учрайдиган қадриятдир.

Фестивалда намойиш этилаётган таомларингиз Наврўз яқинлашганидан далолат бермоқда. Мен фурсатдан фойдаланиб барча ўзбекистонлик дўстларимни ушбу миллий байрам билан самимий қутлайман. Истар эдимки, халқларимиз ўртасидаги қалин муносабатлар ўрик ва сакура гулларидек гуллаб, яшнайверсин.

**Беруний АЛИМОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Токио.**

*Болалар адабиёти бурчаги*

## ОРЗУЛАРИ ҚЎШ ҚАНОТ

**Болаларнинг севимли шоири Турсунбой Адашбоевнинг сара шеър ва эртакларини ёшликдан кўп ўқиганмиз ва ёд олганмиз. Шоир шеърлари, достонларида табиат манзараларини кўп учратамиз. Зеро, болалар адабиётининг муҳим вазифаларидан бири—фарзандларни табиат гўзалликларини ҳис қила олиш ва сева олишга, қадрлашга ўргатишдир. Турсунбой Адашбоевнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан болалар учун «Орзуларим — қўш қанотим» деб номланган янги китоби нашр этилди. Шеър ва эртаклардан иборат бўлган ушбу китоб билан танишсангиз, табиат мўъжизаларидан завқланасиз, тарихга саёҳат қиласиз, ҳарф ўйинларини ўйнаб, ҳазилларини ўқиб мириқиб куласиз. Қуйида ижодкорнинг янги шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

### ОНА ТИЛИМ

Алла бўлиб жаранглаган,
Она тилим-жону дилим.
Унга ахир пайвастадир,
Қадру қиммат, меҳр, билим.

Буюк Темур жаҳон бўйлаб,
Довруғини солган тилим.
Мир Алишер бобомлардан,
Мерос бўлиб қолган тилим.

Бобур Мирзо шеърларидан,
Ранг ва оҳанг олган тилим.

Шундай тилдан тонар бўлсам,
Ёки ўгай санар бўлсам,
Қийма-қийма бўлсин тилим,
Она тилим — жону дилим.

### ҚУЁШ БИЗНИ АРДОҚЛАР

Олмос тиғли чақмоқдан,
Кўкнинг бағри ситилиб,
Увадали булут бехос
Чок-чокидан титилиб.

Осмон тоқи нурланиб,
Қуёш бизни шарафлар.
Ҳатто туйнук, тирқишлардан
Нур сочади яроқлаб.

Офтоб қирда бойчечакни,
Гуллатгани улгурди.
Сумалак ташвишида
Бувим буғдой ундирди.

Қуёш бизни ардоқлар,
Оловида — тафтида,
Бобом қўшга шайланар,
Сара уруғ кафтида.

### ҚАЛДИРҒОЧ

Эрта баҳор қўниб олиб
Уйимизнинг шифтига.
Сайраб қолар, пешхарини —
Кўтарганча кифтида.

Сўнг қайрилма қанотида
Кенг фазони қайчилаб,
Ин қургани киришади,
Тумшуғида лой чийлаб.

Серҳафсала, ишчанлик,
Шу қушчага дахлдор,
Гоҳо унинг инларини,
Бузадиган бахил бор.

### ОСМОН ҚАЙДАН БОШЛАНАР?

Тоққа бошин қўйса қуёш,
Уфқ ортин чўғ қиларкан.
Бургут учун осмон асли,
Бошланади чўққилардан.

Чумолининг вақти зиқроқ,
Гапи қисқа, қалби қайноқ,
Унинг учун кўк гардиши,
Олтин рангли момақаймоқ.

Мирзачўллик деҳқон бобо,
Гурунг бошлар олисдан:
— Ўтар осмон чегараси,
Бизнинг қовун полиздан.

Мурунтовлик мерган айтар:
— Куни-кеча қайтдим овдан.
Ўзим кўрдим, осмон ахир,
Бошланаркан Тангритоғдан.

*Футбол*

## ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРИШДИ

***Жорий йилда футбол бўйича мамлакат ўсмирлар терма жамоасини жиддий синовлар кутмоқда. Шу боисдан Ислом Аҳмедов етакчилигидаги ўсмирлар терма жамоаси бўлғуси учрашувларга жиддий ҳозирлик кўрмоқда.***

Яқинда «Дўстлик» стадионида биринчи лига вакили «MBU-Осиё» жамоаси билан ўзаро ўртоқлик учрашуви уюштирган Ислом Аҳмедов шогирдларига омад кулиб боқмади. Имкони борича беллашувни «MBU-Осиё»-га қарши тенгма-тенг курашлар остида ўтказишга ҳаракат қилишмасин, ўсмирларимиз маҳорат, тажриба бобида акаларига «тенг келишолмади». Муросасиз, қизиқарли кечган баҳс 3:0 ҳисобида биринчи лига вакилининг ғалабаси билан тугади.

## ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

***Маълумки, жорий йилги футбол мавсумини биринчи лига вакиллари 4 апрелдан бошлайдилар.***

Мавсумнинг сермазмун ва чиройли ўтишини таъминлаш, жамоаларнинг тайёргарлигини муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон футбол федерациясида мутахассислар, футбол мутасаддилари, биринчи лига жамоаларининг бош мураббийлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Қизғин баҳс-мунозаралар остида уюштирилган ушбу йиғилиш давомида 2004 йилги мамлакат Кубоги учун қуръа ташлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

## РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

***Жорий йилнинг кузида Япония ва Малайзия яшил майдонларида футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати баҳсларига старт берилади.***

Малайзия пойтахти Куала—Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳида биз юқорида номини тилга олган қитъа биринчиликларига бағишланган қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Тажрибали мураббий Ислом Аҳмедов шогирдлари қуръа натижаларига кўра Қатар, Ироқ, Бангладеш ўсмирлар терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олишган бўлса, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси туркманистонлик, суриялик ва лаослик тенгқурларига қарши ғолиблик учун курашадиган бўлди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Ўтган икки кун давомида шаҳримизда катта спорт байрами ҳукм сурди. «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида юнон-рум кураши бўйича шу йилнинг августида Греция пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган XXVIII олимпиадага қатнашиш ҳуқуқини берувчи Гран-при туркумидаги «Мустақиллик кубоги» халқаро саралаш турнири ўтказилди.***



*Юнон-рум кураши*

# КУЧЛИЛАР ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Албатта, олимпиадалар спорт мусобақалари орасида энг юқори чўққи ҳисобланса, саралаш турнирларида ҳам энг кучлилар қатнашади. Мусобақанинг дастлабки куни гиламга 56 мамлакатнинг 162 нафар куч ва маҳоратта тўлиқ полвонлари тушиши улар орасида кўплаб олимпиада, жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари ва совриндорлари бор эди.



Турнирда Камол Холматов, Баҳодир Қурбонов ва Дмитрий Круглит каби ҳамюртларимиз ҳам олимпиадага йўлланмалар учун кураш олиб боришди.

Энг енгил вазнда Камол Холматов Япония вакили Тойота Насатошига учрашувни бой бериб, иккинчи баҳсда беларуссиялик Венков Венелинни ютган бўлса-да турнирни тарк этишга мажбур бўлди. 84 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Дмитрий Круглит канадалик рақибини ютиб, Озарбайжон вакилига ютқазганлиги сабабли, у ҳам биринчи кунуёқ турнирдаги ўз иштирокини тўхтатишга мажбур бўлди.

Энг номдор ва тажрибали курашчимиз Баҳодир Қурбонов эса турнирни кўтаринки руҳда бошлади. Хусусан, у дастлаб хитойлик Ху Туйонгни 15:3 ҳисобида мағлуб этган бўлса, иккинчи баҳсда Болтиқ бўйилик Вальдемерас Венснантисни енгди. Бу икки ажойиб ғалаба Баҳодирга чорак финал учун йўл очди.

**КЕЧА**

турнирнинг чорак финал, ярим финал беллашувлари ва ҳал қилувчи баҳслари бўлиб ўтди.

Бу гал Баҳодир Қурбоновга жуда кучли рақиб — ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Канатбек Бегалиев (Қирғизистон) билан беллашишга тўғри келди. Кескин ва муросасиз учрашув бошларида Канатбек фаол ҳаракат қилиб, кўплаб очколар жамғаришга муваффақ бўлди. Сўнг Баҳодир қанчалик уринмасин ҳисобда унга ета олмади. Шундай қилиб, 12:7 ҳисобида енгилган Баҳодир Қурбонов, ярим финалга чиқиш, демакки — олимпиадага йўлланма олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Ярим финал учрашувлари ўтказилганидан сўнг тушдан кейин дастлаб барча еттита вазндаги курашчилар 3-4 ўринлар учун баҳс юритишди. Бунда айниқса япониялик Шинго Макумото билан Владислав Методиев (Болгария) ўртасидаги баҳс яшин тезлигида кечди. Япониялик курашчи рақиби устидан 37-дақиқадаёқ соф ғалабага эришди. Қолган вазнларда эса Нурбахт Тенисбаев (Қозоғистон), Канатбек Бегалиев (Қирғизистон), Шинго Макумото (Япония) Давид Валла (Чехия), Али Ашкали (Эрон) Рето Бушер (Швейцария) ҳамда Петре Судуреас (Руминия)лар бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

Ҳал қилувчи финал баҳсини эса одатта кўра энг енгил вазнлилар бошлаб беришди. Учрашувни шиддатли бошлаган Гейдар Мемедалиев (Россия) 3:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган бўлса-да, охир-оқибатда япониялик Тойота Масатошининг қўли баланд келган ҳолда турнир ғолиби бўлди. 60 килограммгача полвонлар ўртасида эса ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Нурлан Коджайганов рақиби Давид Стефанек (Сербия ва Черногория)га ҳеч қандай имкон бермаган ҳолда уни 9:0 ҳисобида енгди.



66 килограммгача вазнда турнирнинг энг тажрибали иштирокчиси — кубалик учта олимпиадада қатнашиб, битта кумуш ва икки карра бронза нишонлари соҳиби бўлган Жуан Марен гиламга тушди. Қизиғи шундаки, испаниялик Европа чемпионати совриндори Мойсес Санчес билан ўтказилган ушбу учрашувни россиялик икки карра олимпия чемпиони Валерий Резанцев ҳакам сифатида бошқарди. Ўйин бошидаёқ ташаббусни қўлга олиб, 2:1, 3:0 ҳисобида олдинга чиққан Жуан финал ҳуштаги чалинганида 5:1 ҳисобида устун келди...

Кейинги вазндаги финалда эса жуда тенг ва муросасиз кураш кечди. Яъни Томас Веруча (Венгрия) ва Доняр Кобанов (Қирғизистон) ўртасидаги учрашувнинг асосий вақти 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди. Бунда қўшимча вақтда Веручанинг қўли баланд келиб турнир ғолиблигини қўлга киритди.

84, 96 ва 120 килограммгача бўлган охирги учта вазнда эса омад эронлик полвонларга кулиб боқди. Жамшид Беҳруз, Маъсуд Ҳошимзода ва Самад Берзилар ўзларининг европалик рақибларини бирин-кетин енгган ҳолда шоҳсупа тўридан жой олишди.

Шундай қилиб, Олимпиадага йўлланма олган спортчилар орасида Эроннинг тўрт нафар, қозоғистонлик 3 нафар, Қирғизистон, Польша, Япония ва Испаниядан иккитадан курашчилар бор.

«Ўзбекистон Мустақиллиги» саралаш мусобақасининг барча ғолиб ва совриндорлари медаллар, махсус Кубоклар ва дипломлар билан тақдирланди.

Курашни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Лазер Шахбазян, Раҳмонберди Аҳмедов, Аҳад Фармонов, Аҳрор Рўзиевлар ФИЛАнинг олтин, кумуш, бронза нишонлари, эсдалик нишони билан тақдирланди.

Ҳозиргача юнон-рум кураши бўйича ўтган нуфузли мусобақаларда зафар қучган Аслиддин Худойбердиев, Алексей Чиглаков ва Александр Докторашвили каби ҳамюртларимиз олимпиадада иштирок этишади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: ҳал қилувчи беллашувлар ва ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.**

**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 1998 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган «Кимё ва фармация» журналининг № 00075 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Юнусобод туман 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Сайёра Шуҳратовна Иногамовага отаси

**Шуҳрат ИНОГАМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

*Нима? Қачон? Қаерда?*

## 15-21 март

Бугун — Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Ўзбекфильм» маҳсулоти «Осмондаги болалар-2» бадиий фильми соат 11-00, 13-00, 15-00, 17-00, 19-00 да намойиш этилади.

• Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Имомов асари «Сойибхўжа операцияси» спектакли соат 18-00 да бошланади.

**16 мартда:**

• Ўзбек Миллий академик драма театрида «Донишманд Натан» спектакли соат 18-00 да намойиш этилади.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси соат 18-00 да бошланади.

**17 мартда:**

• Гагарин номли кинотеатрда «Амазонка хазинаси» комедияси соат 12-00, 16-00, 20-00, (АҚШ) «Готика» бадиий фильми эса соат 14-00 ва 18-00 да намойиш қилинади.

• Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Алвон гул» спектакли соат 13-00 да бошланади.

**18 мартда:**

• Ўзбекистон Ёшлар театрида Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» спектакли соат 11-00, 13-00 да бошланади.

**19 мартда:**

• Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида У.Азим асари «Алпомишнинг қайтиши» спектакли соат 18-00 да намойиш этилади.

• Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қаллиқ ўйини» спектакли соат 18-00 да бошланади.

**20 мартда:**

• Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектакли соат 11-00 да намойиш қилинади.

• Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Минг бир кеча» спектакли соат 14-00 да бошланади.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган катта концерт дастури соат 17-00 да намойиш этилади.

**21 мартда**

• Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қирмизи олма» спектакли соат 18-00 да бошланади.

• Республика қўғирчоқ театрида «Ассалом, Наврўз!» спектакли соат 11-00, 12-00 да намойиш этилади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5252 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 3 4 5 6